



Киев Русидан сўнгги давр

Украина замини тарихий жихатдан Европанинг марказий қисмида туриб, Шарқ ва Ғарб цивилизациялари ўртасида кўприк вазифасини бажарган. Киев Руси даври (IX–XIII асрлар)да бу ҳудуд мустақил сиёсий марказ сифатида юзага келган эди. Аммо кейинчалик Москва князлиги кучайиб бориши билан Киев меросини ўз ихтиёрига олиш ва “Москва – Рус давлатининг ягона вориси” деган гояни илгари суриш бошланди.

Литва–Польша иттифоқи ва Москва босимлари

XIV–XVI асрларда Украина ҳудудининг катта қисми Литва ва Польшага қарар эди. Москва шундан бери бу ерларни ўз назоратига олиш учун узлуксиз урушлар олиб борди. Украина халқининг “козаклар давлати” орқали мустақилликка интилиши ҳам Москва учун хавфли тенденция сифатида кўрилган.

XVII аср: Переяслав шартномаси (1654)

Богдан Хмельницкий даврида Украина Москва билан ҳарбий иттифок тузди. Аммо Москва бу иттифокни босқинчилик сиёсатига айлантириб, Украина мустақиллигини чеклай бошлади. XVII–XVIII асрларда Украинадаги кўплаб исёнлар, айниқса Мазепа раҳбарлигидаги ҳаракатлар Москва ҳукмронлигига қарши кураш эди.

Империя даври ва миллий уйғониш

Россия империяси даврида (XVIII–XIX асрлар) Украинада мустақиллик гоялари каттик катагон қилинди. Украин тили ва маданиятини чеклаш, руслаштириш сиёсати юритилди. Бироқ XIX аср охири – XX аср бошларида украин миллий уйғониш ҳаракатлари кучайди.

СССР давридаги Украина

1917 йилги Инқилобдан кейин Украина мустақилликка эришди (Украина Халқ Республикаси), аммо Москва кизил армияси босқини билан 1920-йилларда Украина

Муаллиф:

19.08.2025 18:35 -

ССРга айлантирилди. Совет даврида Украина формал равишда “иттифокдош республика” бўлса ҳам, амалда Москвага тобе бўлиб колди.

- 1930-йилларда Украинада “Холодомор” деб аталган очарчилик (миллионлаб курбонлар) Москва сиёсати оқибатида рўй берди.
- Украина мустакиллик гоёлари катагон килинди, миллий элита йўк килинди.

Мустакиллик (1991) ва Москва карши харакатлари

СССР парчаланиши оркали Украина 1991 йилда мустакилликка эришди. Бу Москва учун катта геосиёсий йўқотиш эди. Шундан бери Россия Украина мустакиллигини чеклаш ва уни кайтадан таъсир доирасига тортиш харакатини кучайтирди:

- 2004 йил — “Оранжевая революция” пайтида Москва тарафдор кучлар оркали таъсир кўрсатди.
- 2014 йил — Кримнинг аннексияси ва Донбассдаги сепаратистлар кўзголови Россия томонидан ташкиллаштирилди.

2022 йил: Катта боскинчилик уруши

2022 йил 24 февралда Россия Украинага тўлиқ боскин бошлади. Бу уруш факат харбий ёки геосиёсий харакат эмас, балки кўп асрлик тарихий мақсад – Украина мустакиллигини йўқотиш ва уни Москва таъсирига кайта тортиш, кул килиш харакатининг давоми сифатида каралади.

Хуллас, Москва асрлар давомида Украина халкининг давлатчилик орзусини йўқ килишга уринишдан тўхтамади. Козаклар давлати катагон килинди, миллий уйғониш харакатлари сиқиб чиқарилди, Совет даврида миллионлаб курбонлар берилди. Бугунги боскинчилик уруши ҳам шу тарихий сиёсатнинг давоми – Украина мустакиллигига карши Москва курашининг янги боскичидир.

Абу Муслим

(профессор, сиёсий тахлилчи)